

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ХОРЕОГРАФИЯ
МАШҚЛАРИ
ВА БАДИЙ
ГИМНАСТИКА

ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА



ТОШКЕНТ- 2003

Тақричилар:

Умаров М.Н - доцент, п. ф. н.

**Алимова Т.В.- гимнастика кафедрасини катта ўқитувчиси,
бадий гимнастика спорт устаси.**

Каримов М. - гимнастика кафедрасининг доцент в. б.

**Хореография воспиталари шуғулланувчиларга мустақил
машқ машгулот жараёнида тўғри қадди-қомат шакллантириш,
оёқ мушакларини мустаҳкамлаш, эгилувчанлик ва эстетик
ҳаракатларга ўргатишда ёрдам беради.**

© ЎзДЖТИ нашриёт- матбаа
бўлими, 2003 йил.

Хореография воситалари гимнастларни ўқитиб, машқ қылдирис жараёнида, нафакат уларга классик ва халқ рақслари элементларининг техникасини ўргатиш учун. балки тўғри қадди қомат ва равон ҳаракатларини шакллантириш учун ҳам қўлланилади.

Хореографик машқлар ҳаракатларнинг бир маромда нафис ва маънодор тарзда бажарилишига ёрдам беради. Шу билан бирга, хореография билан шуғулланиш жараёнида ҳаракатлар мутаносиблиги такомиллашади, эгилувчалик ривожланади, оёқлар ва гавда мушаклар мустаҳкамланади.

Бадий гимнастиканинг асосий машқлари ўқув, рақс ва беллашув мажмуалари яхлит ҳусусиятта эгадир. Булардан ташқари. Шуғулланувчиларнинг умумий техникавий ва рақсга тайёргарлигини оширишга ёрдам берувчи бошқа воситалар ҳам қўлланилади Мазкур машқлар қаторига ҳам ўқувчи кизлар, ҳам классик рақснинг моҳир усталари ҳар куни шуғулланадиган экзерсис машқлари киради.

Классик рақс машқлари техникасига қўйидаги асосий талаблар қўйилади: гавданинг вертикал ҳолатини ва турғунликни сақлаб қолиш; оёқларни орқасига қайирмоқ; ва гавданинг алоҳида бугинлар ҳаракатининг алоҳидалигини тъъминлаш.

Бадий гимнастика машқларини бажаришда юқорида келтирилган барча талабларга тўлиқ риоя қилишга эҳтиёж йўқдир.

Бироқ, статик ҳолатда ҳамда силжиб ҳаракатланиш ва бурилишларда мувозанатни, турғунликни сақлаб қолиш мусобақаларда мубаффақият қозониш учун муҳим аҳамиятта эгадир.

Классик машқ ҳаракатлари оёқ мушакларини мустаҳкамлаб, гимнастикачи қизларнинг умумий ва маҳсус тайёргарлигига ёрдам беради.

Ушбу ишнинг вазифаси-машқларни ўзлаштириш ва ўрғанишни енгиллаштириш мақсадида, иҳтинос курси дастурини кўргазмали тарзда намоён этиш ҳисобланади.

ХОРЕОГРАФИЯ

ОЁҚЛАР ПОЗИЦИЯСИ.

Позиция - оёқларнинг асосий вазияти булиб, ундан классик экзерсиснинг барча ҳаракатлари бошланади.

Классик рақсда бешта позиция фарқланади. Бу позициялар оёқлар қайириб қўйилган ҳолатта ва гавда оғирлигини иккала оёқда бир текис тақсимлашга асосланган. Гавда оғиртигига оёқ- панжасига, кўпроқ унинг ташки қиррасига тақсимланади.


Биринчи позицияда -оёқлар сонлари, тиззалари болдиrlари ва товоонлари билан ўзаро тегиб туради. Оёқ панжалари бирга тўғри чизиқни ташкил этади.

Иккинчи позиция - биринчи позициядан шу билан фарқ қиласидики, иккала оёқ товоони бир-биридан панжа масофасида туради.

Учинчи позиция - бир оёқ товоони иккинчи оёқ, панжасининг ўртасига жипс тегиб туради. Мазкур позиция ҳарактерли ва тарихий-майишни рақсларда қўйланилади.

Тўртинчи позиция - оёқ, панжа масофасида ўзаро параллел равишда бир панжа олдинда, иккинчиси орқада жойлашган.

Бешинчн позиция -оёқ панжалари бутун узунлиги буйича параллел равишда бир-бирига шу тариқа тегиб турадики, бир оёқ учи иккинчи оёқнинг товоони ёнида жойлашади.



ОЁҚЛАР УЧУН БАЪЗИ ХОРЕОГРАФИК МАШҚЛАР

ДЕМИ ПЛИЕ-тиззани ярим букиб ўтириш ва туриш.

Дастлабки ҳолат. 1-позиция (ҳолат).

1-2 тиззаларни ён томонга максимал ажраттан ҳолда оёқларни равон тарзда букиш. Товоонлар ерга босиб турилади. Гавда вертикал ҳолатда.

3-4 - оёқлар равон тарзда ростланади.
Машқ барча позицияларда бажарилади.



ГРАН П.ПИЕ - тиззаларни чуқурроқ бүккан ҳолда ўтириб, туриш.

Дастлабки ҳолат. 1- позиция (ҳолат).

1-2 - тиззани ярим букиб ўтириш ва туриш (Деми плие).



3-4 - оёқларни букишни давом эттирган ҳолда товонларн равон тарзда бир оз күтариш.

5-6 - товонларни ерга охиста тушира туриб, оёқларни секин ростлашни бошламоқ

7-8 - оёқларни ростламоқ.


Товонларни имкони борича камроқ; күтариш ва уларни орқага қайирмасликка ҳаракаг қилиш керак. Ҳаракат узуксиз бажарилади.

Машқ барча позицияларда (ҳолатларда) бажарилади.

2-позицияда (ҳодатда) гран плие бажарилиш вақтида товонлар ерга тиралган бўлади.

БАТМАН ТАНДЮ - оёқ кафти учун машқ.

1,3,5 -позицияларда (ҳолатларда) учта йўналиш бўйича (олдинга, орқага, ён томонга) бажарилади.



1-2 - банд бўлмаган оёқ уни билан пол (ер) бўйлаб ён томонга (олдинга, орқага) сирпанади,, бунда охирги нуқтада оёқ чўзилган бармоқлари билан ерга тегиб туради.

3-4 - ушлаб туриш.

5-6 - оёқни сирпанувчан ҳаракатлар билан дастлабки ҳолатта қайтириш, товонни ерга маҳкам қўйиш.

7-8 - пауза.


Олдинга ва орқага ҳаракатланганда банд бўлмаган оёқ уни 4-позицияда таянч оёқнинг товони қаршиисига қўйилади. Қейинчалик бу машқ тўхтамасдан бажарилади.

БАТМАН ФРАППЭ - зарбли ҳаракат.

1-ва 5- позицияларда ҳамда учта йұналишда.

Банд бўймаган оёқ учи ён томонга қўйилади.

1-1 - банд бўймаган оёқ товонини олд томондан таянч оёқнинг товон-болдири бўтимиға босмоқ (сюр ле ку де пъе).



2 - ушлаб гуриш.

2-3 - пол юзаси бўйлаб бармоқлар билан сирпанган ҳолда, банд бўймаган оёқни ён томонга оёқ учига кескин ростлаш.


4 - ушлаб туриш.

Банд бўймаган оёқни навбати билан таянч оёқнинг олд ва орқа томонидан ўтказиб, ҳаракатни қайтариш. Банд бўймаган оёқ товоннинг ички юзаси орқа томондан таянч оёқ болдирига маҳкам тегиб туради.

БАТМАН ФОНДЮ - бир оёқда равон тарзда тиззани ярим бўккан ҳолда ўтириб, туриш. 1-ва 5-позицияларда ҳамда учта йұналишда.

1-банд бўймаган оёқ товонини олд томондан таянч оёқнинг товон-болдири бўтимиға босмоқ.

3-4-таянч оёқни ростлаб, банд бўймаган оёқни ён томонга оёқ учига қўйиш.



РОН ДЕ ЖАМБ ПАР ТЕР - пол (ер) юзаси бўйлаб оёқ билан айланма ҳаракатлар бажариш. Дастребки ҳолат - 1-позиция. Олд томонга айланма ҳаракат:

1 -олдинга тандю.

2-банд бўймаган оёқни ёй бўйлаб ён томонга.

3-оёқни ёй бўйлаб орқага


4-банд бўймаган оёқни дастребки ҳолатта қайтариш. Орқа томонга айланма ҳаракат:
Оёқнинг тескари йұналишда ҳаракатланиши.



БАТМАН ЖЕТЕ - оёқни 90 градусга күтариш.

1, 3 ва 5-позицияларда, ҳамда учта йўналтишда.


Машқини бажаришда таянч оёқни тўғри бўлишига аҳамият бериш керак. Оёқ равон тарзда туширилади. Машқини ўзаштириб борган сари, ҳаракатлар узаро уйғулликда. оёқ учи ерга текканд тўхтамасдан бажарилади.



ҚЎЛЛАР ПОЗИЦИЯСИ (ҳолати)

Қўл панжаларини енгил ҳолда, кучамасдан ушлаш керак. Ўрта бармоқ бош бармоққа яқинлаштирилган. Бу қўл панжасининг ўқув босқичи бўлиб, ўқитиш жараёнининг бошлангич босқичларида қўлланиллади. Кейинчалик қўл панжасининг қўлга нисбатан ҳолати турлича бўлиши мумкин. Ҳаракатлар турига қараб, қўл панжасининг шакли тўғри ҳолда бироз кўтарилган, туширилган, юқорига букилган, пастга букилган бўлиши мумкин.

Бадиий гимнастикада қўл панжасини барча шакллари қўлланилади.




Қўлларнинг учта асосий позицияси фарқланади:

1- позиция: қўллар оддинда диафрагма даражасида, қўллар кафтлари гавдага қараган, тирсаклар букилган ва ён томонга йўналган, елкалар туширилган, бир қўл бармоқлари иккинчи қўл бармоқларидан 5-10 см масофада.

2-позиция: қўллар ён томонларга ёзилган ва елкалардан бирмунча пастроқ, гавдадан бирмунча олдинда жойлашган. Тирсаклар 1-позициядагига нисбатан бирмунча ростланган ва орқага қараган, қўл панжалари бир- бирiga қараган.

3-позиция қўллар юқорига кўтарилиган (кўрув майдонида). панжалар ва тирсаклар ёй симон букилган, тирсаклар юздан бирмунча олдинда жойлашган ва ён томонларга, қўл кафтлари эса пастта қаратилган.

Шунингдек қўлларниг тайёрлов ҳолати ҳам қўлланилади, у дастлабки ҳолат бўлиб ҳизмат қиласди. Бундай ҳолатда қўллар пастта туширилган, тирсаклар бир оз букилган ва ён томонларга йуналган, қўл кафтлари юқорига қаратилган.



ҚЎЛЛАР, БОШ ВА ГАВДА УЧУН МАШҚЛАР

ПОР ДЕ БРА - ўқув жараёнининг бошида, оёқларниг таянч ёнидаги ҳаракатларини ўрганиш вақтида банд бўлмаган қулни қимирлатмасдан 2-позицияда тутиб туриш тавсия этилади. Машқлар ўзлаштирилган сари, эркин оёқ ҳаракатлари, эркин қўл ҳаракатлари билан бирга бажарилади. Қўл ҳаракатлари нигоҳ билан кузатиб турилиши лозим. Эркин оёқ, олдинга чиқарилганда, бошини 2-позицияда турган эркин қўл томонига бурилади. Бунда елкалар бирмунча орқага қаратилади. Оёқни ёй томонга сурисиб, бош тўғри ҳолатда тутиб турилади.

Оёқ орқага сурилганда, елка камари бирмунча олдинга чиқарилади, бош ёй томонга чиқарилган қўл тарафига бурилиб, бирмунча этилади.

Таяңч ёнида оёқлар учун бошланғич машқыларни ўрганиш билан бир вактда, зат ўртасида құлларни позициядан позицияга күйчириш ҳаракатлари үзлаштириллади. Дастлабки вактда ҳар бир позицияда ҳаракаттар танаффус билан бажарилади. Аста-секин паузалар қисқарып, ҳаракатлар бергә құшилиб бажарилади.



Құллар учун мүлжалланған ҳолатларни үзлаштирилған сари, улар мураккаблаштириллади вә гавда ҳаракатлари билан құшиб бажарилади.

1-2 - олдинга этилиб, құллар пастта тушириллади, үнг құл нитох билан күзатилади.

3 - гавда ростланиб, құллар 1- позицияға қўйилади, бош тўғри ҳолатда.


4 - құллар 3 - позицияда, бош ўнгта бурилган

5-6 - орқага этилиш.

7 - гавда ростланади.

8 - құллар 2 - позицияда, бош чапга бурилади.

Классик рақсда айланма ҳаракатларнинг иккита асосий тури мавжуд: ТУР вә ПИРУЭТЛАР.



Турларда айланма ҳаракат сакраш вақтида бажарылади, пируэтларда эса полда (ерда) бажарылади.

Бадий гимнастикада, асосан, айланышнинг иккинчи тури ўрганилади.

Пишуэтлар ярим бармоқтарда бажарылади.

Пишуэтларни ўрганишдан олдин, спортчилар иккала ва битта оёқда туриб, ярим бармоқтарда мувозанатни саклашни ўрганишлари лозим. Сўнгра жойда туриб 360 градусга бурилма ҳаракатларни бажариш ўргатылади. Бурилишнинг биринчи яримда бош гавдадан орқада қолади, иккинчи яримда эса - ундан ўзиди кетади. Қўзлар битта иштага қадалган бўлади. Бурилишларни иккала оёқда галма-гал ҳамда таянч ёнида битта оёқда бажариш фойдалиди. Машқ ҳар иккала томонга бажарылади.

Дастлабки ҳолат - 5 - позиция, қўзлар тайёргарлик ҳолатида.

Тиззани ярим буқкан ҳолда ўтириб, туриш - чап қўл 1-позиция орқали 2 - позицияяга қўйилади, ўнг қўл - 1-позицияяга.


1-2 - оёқларни ростлаб, тана вазнини ўнг оёқка ўткази орқали яримбармоқтарга кўтарилиш, қўллар 1-позицияда.

3-4 - чап оёқ товонини орқадан болдири товон бўгимига босиб туриш.

5-6 - 5 - позицияда ярим ўтириш (чап оёқ олдинда), қўллар 2-позицияда.

7- оёқларни ростлаш, қўллар тайёргарлик ҳолатида.

8- тиззани ярим буқкан ҳолда, ўтириб туриш.



Ўзлаштирилган машқ мураккаблаштирилади: ярим ўтирган ҳолатдан дарҳол бир оёқка туриш, бир вақтнинг ўзида банд бўлмаган оёқни орқадан ёки олдидан букиш орқали.

Битта пируэтни. ўзлаштиргач, кетма-кет иккита, учта пируэтларни ўрганиш мумкин. Бурилиш вақтида гавдани вертикал ҳолатда бўлишини назорат қилиб туриш муҳимdir

Бурилишни бажарища қўллар ва бош ҳаракатлари катта аҳамиятта эгadir. Бошни дастлабки ҳолатда имкони борича узоқроқ тутиб, туриш керак. сўнгра уни бурилиш томонига кескин бурилади. Бурилиш вақтида банд бўлмаган оёқ букилган, оддинга кўтарилган, ён томонга ёки орқага йўналган бўлиши мумкин.

ХАЛҚ РАҚСЛАРИ. “ПАХТА” ЎЗБЕК ХАЛҚ РАҚСИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.

Дастлабки ҳолат - қўллар олдинда, панижалар юқорига қараган.

1- ўнг қўл олдинга қараб 90 градус бурчак остида букилади, бармоқлар юқорига қараб пахта косачаси шактида бирлаштирилган, чап қўл панижаси ташки юзаси билан ўнг қўл тирсагига тегиб туради.


2-4- ўнг қўл бармоқлари кескин майдада тебранишлар билан астасекин очилади. Бош ўнг қўл томонига бурилган.

5-7- юқоридаги ҳаракатлар чап қўл билан бажарилади.

8- чап қўл билан этагни, ушлаб, гавда тик ҳолатда тутилади ўнг қўл ён гомонда.

9-16- олдинга қараб эркин ҳаракат қилиб, ўнг қўл билан “пахта терими” ҳаракати бажарилади.

17-32- чап тиззада тик туриш, ўнг тизза олдинга томон букилган. Ҳар бир ҳисобга “пахта терими” иккала қўл билан бажарилади.



“ЛАЗГИ”

Дастлабки ҳолат - чап оёқда тик туриш. ўнг оёқ орқада ярим бармоқда, ўнг қўл юқорига ёйсимон кўтарилиган, қўл кафти ичкарига қараган, чап қўл олдинда юқорига кўтарилиган, қўл кафти настга қараган.


I такт.

1-2-елкалар билан ўнг томонга силтаниш.

3-4-ўнг оёқ учи сирпаниб чап томонга ҳаракатланади, тиззалар ярим букилган, елкалар дастлабки ҳолатта қайтади.

5-6-ўнг оёқ товони ва чап оёқ ярим бармоқларда бир вақтнинг ўзида чап томонга сирпаниб ҳаракатланади. ўнг оёқ ярим бармоқларда, тиззалар ростланади.

II такт-I такт ҳаракатлари чап оёқдан тақрорланади.



“ТАНОВАР” ўлчам 4/4

Дастлабки ҳолат - гавда ростланган ҳолатда.

I такт


1 - чап оёқдан бошлиб олдинга, ён томонга ўзгарувчан қадам ташлаш, қўллар олдинда, кафтлар юқорига қараган. Қўллар ён томонларга очилиб, кафтлар юқорига қаратилиди, ўнг елка бирмунча олдинга йўналтирилади.

2 - ўнг оёқ панжасида олдинга - чапга қадам ташлаш, ўнг қўл олд томондан белни қуршаб олади, чап қўл орқа томонга ташқи юзаси билан белга қўйилади, бош ўнг елкага эгилади.

3 - чап оёқдан бошлиб ўзгарувчан қадам ташлаш қўллар ён томонларда, кафтлар юқорига қараган, гавда тик ҳолатда.

4 - пауза

II такт - I такт ўнг оёқ қўл билан тақрорланади.



“АНДИЖОН ПОЛЬКАСИ”

Үлчам 2/4 I такт Д. Ҳ. - гавда ростланган ҳолатда.

1 - ўнг оёқ панжасида қадам ташлаш, чап оёқ ярим бармоқларга таяниб олдинга ҳаракатланади.

2 - ўнг оёқ яримбармоқларда чап оёққа сирпанувчан ҳаракатлар билан етиб олади. Енгил сакраш билан оёқлар тұла панжага қүйилади. Тиззалар букилади.

II тект - I тект чап оёқдан такрорланади. Құллар юқорига күтариған, тирсаклар ёйсімөн букилған, бош узра муштлар билан айланма ҳаракатлар бажарылади.

III тект

1 Ўнг оёқ панжаси билан олдинга - ўнгта ўртача қадам ташлаш, ўнг құл силкитиб, чап күкракқа қүйилади.

2 - Чап елка юқорига күтарилауди, ўнг оёқ сирпанувчан ҳаракатлар билан чап оёққа етиб олади вә иккәнде оёқ олдинга қараб бирмұнча сирпаниб тұла панжаларда тұхтайди.

IV тект - ҳаракатлар чап оёқдан такрорланади құллар ён томонларға-пастта очилади, кафтлар юқорига, ўнг елка олдинга қаратылған.

3 - юриш.

Д. Ҳ. - Гавда ростланган вазиятта оёқлар ўзаро ярим ҳолатда. Құллар юқорига күтарилған, ярим букилған ҳолда, кафтлар юқорига қаратылған.

V тект - чап оёқ билан чапта томон ўзгарувчан қадам ташлаш, ўнг оёқ чап оёқ орқасынан ҳаракатланади. Құл кафтлары билан айланма ҳаракатлар. Чап құл ён томонға очилади, кафт юқорига қаратылған. Чап елка олдинга бош вә гавда чап құл томонға қаратылған

VI тект - ўнг оёқ-құл билан юқоридеги ҳаракаттарни такрорлаш.

“РУСЧА РАҚС”


I. Д. Ҳ. Оёқлар биргә, құллар белдә, бунда құл кафтлары ташқарыға қараган: чап оёққа бир оз ўтириб, ўнг оёқни олдинга چүэсіб (оёқ учы полда), гавда ўнг томонға бурилади.

1. Ўнг оёқ ерда сирпаниш билан олдинга томон оёқ учига қадам ташлаш.

Чап оёқни орқадан оёқ учига қүйиш.

2. Ўнг оёқда бутун оёқ панжаси билан ерга енгил зарба берип орқали қадам ташлаш.

-чап оёқ учи билан олдинга қараб қадам ташлаш, гавдани чапта буриш ва худди шу ҳаракатлар бошқа оёқ билан такрорланади.



II. Д.х. Юқоридагидек ёки құллар гавда бүйлаб әркін ҳолатда

1- ўңг оёқ билан ерда сирпаниш орқали қадам ташлаш.

-чап оёқдан си, паниш орқали қадам ташлаш.

2 - ўңг оёқдан қадам ташлаш билан, чап оёқ букилади, оёқ панжаси ўңг оёқнинг ички түпифи ёнида.

-катта бўлмаган сирпанувчан сакраш ва шу ҳаракатлар чап оёқдан такрорланади.

III. Д.х. Юқорида кўрсатилгандек.


«И» - чап оёқдан бироз букиб (бўшашибтириб), ўңг оёқни олдинга 25 градус бурчак остида ва ён томонга ташқарига ёйсимон ҳолда ҳаракатлантирилади. Ўнг қўл ёйсимон тарзда ичкарига ён томонга ва юқорига йўналтирилади.

1- ўңг оёққа сакраш (ўнг оёқ чап оёқдан олдин ҳоҳсимон тарзда қўйилади). Тизза бўғимида бир оз букилган, чап оёқ ўнга бурилади.

«И»-чап оёқ панжаси билан ўнг оёқ орқа томонда ички қўисмиде жойлашган бўлиб, оёққа тушади (оёқлар бирмунчча букилган).

2-ўнг оёқ учи билан чап оёқ товони ёнида полга зарба бериш: ўнг оёққа оғирликни ўтказиш орқали, чап оёқни олдинга 25 градус бурчак ҳосил бўлгунча қадар кўтариш.

«И» - чап оёқни ёйсимон тарзда ташқи ён томонга ҳаракатлантириш ва шундай ҳаракатлар бошқа томонга бажарилади.



I. Даастлабки ҳолат. Оёқлар бирга, құллар белда.


1. Ўнг оёқда бирмунча ўтирган ҳолда ўнг томонға катта бўлмаган қадам ташлаши.

2. «И»- бирмунча букилган чап оёқни ерда сирпантриб, ўнг оёқ орқасида ҳочсимон тарзда оёқ учига қўйилади, бунда гавда оғирлиги ўнг оёққа ўтказилади.

2-1 да келтирилган ҳаракатлар чап оёқ билан такрорланади.

«И»- 1 «И» даги ҳаракатлар бошқа оёқ билан бажарилади. Бунда оёқ олдига тўла панжага қўйилади.

II. Даастлабки ҳолат. Оёқлар бирга, құллар белда, қўл панжалари муштларга сиқилган.



1- чап оёқни бир оз кўтариб, зарба билан ерга урилади ва тиззаларни бирмунча букиб ўтирилади. Зарба вақтида ўнг оёқ тизза бўғимида орқага қараб қайрилиб 90 градус бурчак остида букилади, ўнг елка томонға бурилади.

«И» - ўнг оёқ чап оёқ орқасидан оёқ учига туплирилади (оёқлар бўшашибган ҳолатда).

1- ўнг оёқ учига кўтарилиб, чап оёқ билан 1 ҳаракатни такрорлаш ва букилган ўнг оёқни чап оёққа сурилади, чап елкани олдинга қарнатилади.

«И» - ўнг оёқни олдинга ён томонға ёзиб, товоңга қўйиш (чап оёқ бирмунча букилган). Гавда оғирлигини оёққа узаттан ҳолда, ҳаракат бошидан такрорланади.

III. Даастлабки ҳолат. Оёқлар бирга, чап елка бирмунча олдинда, құллар пастда чалиштирилган ҳолда.

1- тиззаларни ярим букиб ўтириш.

«И» - юқорига сакраш, чап оёқ олдинга, ўнг оёқ орқага, ўнг қўл олдинга.

2- ерда қўниб, ярим букилган оёқларда даастлабки ҳолатни эгаллаш.


«И» - туриш.

КАВКАЗЧА РА҃С

1. «Картули»: 1 - ўнг оёқ билан олдинга эркин қадам ташлаш (оёқ товондан бошлаб қўйилади), қўллар пастга- ён томонларга.
«И» - чап оёқ учида билан олдинга ярим қадам ташлаш, қўллар ён томонларга.

2 - чап оёқ учида турган ҳолда, ўнг оёқни сирпантириб чап оёқ ёнига қўйиш, сирпанувчан ҳаракат билан ўнг қўлни юқорига кўтариб, ёйсимон тарзда кўкрак олдида букилади (тирасак елқадан бир оз баландда ва олдинга йўналтирилган).

«И» - юқоридаги ҳаракатлар бошқа оёқдан такрорланади.



ИСПАНЧА РА҃С


I. Дастребки ҳолат. Учинчи позиция, қўллар орқадан чалиштириб белга қўйилган.

1- ўнг оёқ билан оёқ учига қадам ташланади, чап оёқ орқада оёқ учида, ўнг елка олдинда ва бир оз кўтарилган.

«И» - чап оёқни учида ерга зарба бериш билан ўнг оёқ орқасига учинчи позицияга қўйиш.

2- иккала оёқни бир оз букиб, ердан сал узилиб кескин сакраш бажарилади ва шу заҳотиёқ аввалги вазиятта қайтилади.

3- ўнг оёқни товонини чап оёқ ёнида сирпантириб ўнг тиззани тезда 90 градус бурчак остида кўтарилади, чап оёқни ерда сирпантириб ярим товон олдинга сакраш бажарилади. Гавда чап елка билан олдинга қаратилади (бош елкага бурилади).



«И» - ўнг оёқ орқадан оёқ учига қўйилади, чап оёқ ердан сал кўтарилади (тизза билан олдинга қараб),, унинг уни оёқ дугаси ёнида. 4- чап оёқ ўнг оёқ учига қўйилади, ўнг оёқ эса тиззадан орқага бир оз букилади (тизза бўшашган ҳолатда), ўнг оёқни учига ерга зарба бериш билан чап оёқ орқасига учинчи позицияга қўйилади ва шу ҳаракатлар бошқа оёқдан тақрорланади.

ТАРИХИЙ-МАИШИЙ РАҲСЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИ «МАЗУРКА»


Дастлабки ҳолат. Учинчи позиция, чап оёқ олдинда, чап қўй белда. ўнг қўй ён томонга - олдинга, чапга орқага енгил эгилиб, ўнг қўйга қараб турилади.

«И» - ўнг оёқни кўтараёттанды жойдан туриб сакраш билан ерга енгил зарба берип. Чап оёқ олдинда, оёқ уни полга тиравлан.

1- пол бўйлаб бир оз сирпаниш орқали чап оёқни учидан товонига думалатиш билан олдинга томон қадам ташлаш. ўнг оёқ, ўзининг учки қисмида орқада жойлашган, гавда чашга орқага эгилади.

2- чап оёқни тиззада бир оз букиб ўнг оёқни тизза бўғимида букилади ва уни орқадан чап оёқни ички тўпифига яқинлаштириб қўйилади.

3- ўнг оёқни чап оёқ ёнига қўйиб, чап оёқни зарба била олдинга қўйиш; чап оёқ уни полга тиравлан ва ҳоказо.



КОКА-РОЛА

Биринчи ҳаракат- «Қрестчалар» (хочлар)


Икки тақтда бажарилади.

Дастлабки ҳолат. Оёқлар одатдаги ҳолатда. Гавда вазни ўнг оёқка узатилган. Қўйлар бел сатҳида букилган.

- 1- чап оёқни ўнг оёқ олдида хоссимон тарзда қўйилади.....I
- 2- ўнг оёқда орқага қадам ташлашII
- 3- чап оёқни ўнг оёқка яқинлаштириб қўйиш.....III
- 4- ўнг оёқни чап оёқ олдида хоссимон тарзда қўйилади.....IV

5-8-1-4 қадамлар тақрорланади.....I, II, III, IV.

Изоҳ: 1 ва 5- қадамларда гавда чапга бурилади,3-ва 7-қадамларда гавда ўнита бурилади. Тирсакларда букилган қўллар бел сатҳида эркин ҳаракатланади.



Иккичи ҳаракат- «тиззани букин ҳолда ўтириш» икки тектада бажарилади. Даствабки ҳолат. Оёқлар одатдаги ҳолатда. Гавда вазни ўнг оёқка узатилади. Қўллар бел сатҳида букилган.

1- чап тиззани сал букиб ўтириш ва ўнг томонга эгилиш билан чап оёқда орқага қадам ташлаш.....I

2- гавдани ростлаш орқали оғирликни ўнг оёқка ўтказиш.....II

3- чап оёқда ён томонга қадам ташлаш.....III

4- ўнг оёқни чап оёқка яқинлаштириб қўйиш.

5-чап оёқда ён томонга қадам ташлаш.....IV

6- ўнг тиззани сал букиб ўтириш ва чап томонга эгилиш билан ўнг оёқда орқага қадам ташлаш.....I


7- гавдани ростлаш орқали оғирликни чап оёқка ўтказиш.....II

8- оёқда ён томонга қадам ташлаш.....III

9- чап оёқни ўнг оёқка яқинлаштириб қўйиш

10- ўнг оёқда ён томонга қадам ташлаш.....IV

Изоҳ: 1-ва 6-қадамларда қўллар бош узра кўтарилади. Бошқа қадамларда тирсак бўғимидан букилган қўллар бел сатҳида эркин ҳаракат қиласади.



УЧИНЧИ ҲАРАКАТ - «УЧМОҚ»

Икки тектада бажарилади.

Даствабки ҳолат оёқлар одатдаги ҳолатда. Гавда оғирлиги ўнг оёқка узатилган. Қўллар бел сатҳида букилган.

1- чап оёқда олдинга қадам ташлаш

2- ўнг оёқни тиззада букиб ўтириш билан чап оёқ орқасида хочсимон тарзда қўйиш.

3- чап оёқда олдинга қадам ташлаш ва ўнг томонга 180 градусга бурилиш.

4-ўнг оёқда олдинга қадам ташлаш, тана оғирлиги чап оёқка узатилган.

5-чап оёқни тиззада букиб ўтириш билан ўнг оёқ орқасида хочсимон тарзда қўйиш.

6-ўнг оёқда қадам ташлаш ва чап томонга 180 градусга бурилиш.

Изоҳ: уибу ҳаракатни бажараёттанди тасаввур этинки, гўё сиз муз устида учмоқдасин ва қўлларинги билан белқуракда ер қазимоқдасиз: 1-,2-,4-,5-, қадамларда, қўллар тирсакда букилади;

3-,6 - қадамларда эса қўллар ростланади. Алоҳида ҳаракатларни ўзлаштиргач, рақсни бошдан оҳирингача такрорланг.



СИРГАЛИШ

Биринчи ҳаракат оёқларни ўзаро чалишитириб қўйиш.

Иккинчи тақда ижро этилади . Гавда оғирлиги ўнг оёқка узатилган. Қўллар бел сатҳида тирсакларда букилган.

1-чап оёқда олдинга қадам ташлаш.....I

2-ўнг оёқда олдинга қадам ташлаш.....II

3-чап оёқни ўнг оёқ олдида хочсимон тарзда қўйиш.....III



4-ўнг оёқда орқага қадам ташлаши.

5-чап оёқда орқага қадам ташлаш.....IV

6-ўнг оёқда олдинга қадам ташлаш.....I

7-чап оёқда олдинга қадам ташлаш.....II

8-ўнг оёқни чап оёқ олдида хочсимон тарзда қўйиш..... III

9-чап оёқда орқага қадам ташлаш.


10-чап оёқни ўнг оёқ ёнига қўйиш..... IV

ИККИНЧИ ҲАРАКАТ- «ЮГУРИШ»

Бир тактда ижро этилади.

Дастлабки ҳолат - гавда оғирлиги ўнг оёққа узатылған. Құллар бел сатхыда тирсакларда буқылған.

- 1-чап оёқ билан олдинга югурувчи қадам ташлаш.....I
- 2-ўнг оёқ билан олдинга югурувчи қадам ташлаш.
- 3-чап оёқ билан олдинга югурувчи қадам ташлашII
- 4- 45 градусста ўнг томонға бурила туриб, ўнг оёқни тизз қисмидан силтаб узатыш.
- 5-ўнг оёқ билан олдинга югурувчи қадам ташлаш.....III
- 6-чап оёқ билан олдинга югурувчи қадам ташлаш.
- 7-ўнг оёқни чап оёқ ёнінша қүйиш.....IV



УЧИНЧИ ҲАРАКАТ- “ТЕБРАНИШ”

Бир тактда ижро этилади

Дастлабки ҳолат. Гавда ўнг оёққа узатылған. Құллар бош узра күстарылған

Бу ҳаракат жойда турғанда бажарылади. Фақат гавда оғирлиги бир оёқдан бошқа оёққа узатылади.

1-чап сони чиқарып билан чап оёқда ён томонға қадам ташлаш..I

2-гавда оғирлиги ўнг оёққа узатылади, ўнг сон ён томонға...II

3-гавда оғирлиги чап оёққа узатылади, чап сон ён томонға.

4-иккинчи қадам тақрорлансын..... III

5-учинчи қадам тақрорлансын.

6-иккинчи қадам тақрорлансын..... IV



Биринчи ҳаракат- тебраниш.

- Бир тактда ижро этилади. Гавда оғирлігі ўнг оёққа узатылған.
- | | |
|---|-----|
| 1-чап оёқда олдинга қадам ташлаш, чап сон ён томонға..... | I |
| 2-гавда оүнг оёққа узатылади, ўнг сон ён томонға..... | II |
| 3-биринчи қадам тақрорлансин..... | III |
| 4-иккінчи қадам тақрорлансин..... | IV |

Изоҳ: 1- ва 3-қадамтарда бөш үзәр қарсак қалинсив; 2- на 4-қадамтарда құйлар бел сатхыда тирсакларда букилған.



ИКСИНЧИ ҲАРАКАТ- БУРИЛИШЛАР

Бир тактда ижро этилади. Гавда оғирлігі ўнг оёққа узатылған. Құйлар бел сатхыда тирсакларда букилған. Бу ҳаракат вакытта 360 градусға бурилиш керак.

- | | |
|--|-----|
| 1-чап томонға 90 градусға бурилиш билан чап оёқда ён томонға қадам ташлаш..... | I |
| 2-90-градусға бурилиш билан ўнг оёқда олдинга қадам ташлаш.. | II |
| 3-биринчи қадам тақрорлансин..... | III |
| 4-иккінчи қадам тақрорлансин..... | IV |



УЧИНЧИ ҲАРАКАТ- ОЁҚЛАРНИ ЎЗАРО ҚАЛИШТИРИБ ҚҰЙИШ

Бир тактда ижро этилади. Оёқтар елка көнгелігінде гавда оғирлігі ўнг оёққа узатылған.

- | | |
|---|---|
| 1-чап оёқда чап томонға қадам ташлаш..... | I |
|---|---|

- 2-үнг оёқни чап оёқ орқасида чалиштириб қўйиш.....И
 3-чап оёқда чап томонга қадам ташлаш.....II
 4-үнг оёқда үнг томонга қадам ташлаш.....III
 5-чап оёқни үнг оёқ орқасида чалиштириб қўйиш.....И
 6-үнг оёқда үнг томонга қадам ташлаш.....IV

Изоҳ: 2-қадамда қўлларни юқорига кўтарилини 1-3-4-6-қадамларда қўллар бел сатҳидаги тирсакларда бўқилсан



УЧИНЧИ ҲАРАКАТ- ОЁҚЛАРНИ ЎЗАРО ЧАЛИШТИРИБ ҚЎЙИШ

Бир тактда ижро этилади. Оёқлар елка кеяглигида гавда оғирлиги үнг оёқка узатилиган.

- 1-чап оёқда чап томонга қадам ташлашI
 2-үнг оёқни чап оёқ орқасида чалиштириб қўйиш.
 3-чап оёқда чап томонга қадам ташлашII
 4-үнг оёқда үнг томонга қадам ташлашIII
 5-чап оёқни үнг оёқ орқасида чалиштириб қўйиш.
 6-үнг оёқда үнг томонга қадам ташлашIV

Изоҳ: 2-қадамда қўлларни юқорига кўтарилини 1-, 3-, 4-, 6-қадамларда қўллар бел сатҳидаги тирсакларда бўқилсан



ТОҒЛИК

Биринчи ҳаракат ўтириб туриш.

Бир тақтда ижро этилади.

Дастлабки ҳаракат- оёқлар одагчали валидада. Гавда оғирлиги үнг оёқни азотилиши | | реалду та бўшинги | |

- 1-чап оёқда ён томонга қадам ташлаш.....I
 2-чап тиззани букиш (ўтириш) ва бир вақтни ўзида ростланган ўнг оёқни олдинга узатиш.....II
 3-чап тиззани ростлаб, бир вақтни ўзида ўнг оёқни чап оёққа яқинлаштирилади, гавда оёққа узатилади.....III
 4-ўнг оёқда ён томонга қадам ташлаш.....III
 5-ўнг тиззани букиш (ўтириш) ва бир вақтни ўзида ростланган чап оёқни олдинга узатиш.....II
 6-ўнг тиззани ростлаш ва бир вақтни ўзида чап оёқни ўнг оёқ ёнига қўйиб, гавда оғирлигини ўнг оёққа узатиладиIV
- 7-12- 1-6-қадамлар такрорлансин



ИККИНЧИ ҲАРАКАТ - САКРАШ

Бир тактда ижро этилади.

Дастлабки ҳолат- оёқлар одатдаги вазиятда, гавда оғирлиги ўнг оёққа узатилган.

- 1- чап оёқда жойда туриб қадам ташлаш..... I
 2-чап оёқда орқага енгил сакраш ва шу вақтни ўзида ростланган ўнг оёқни олдинга узатиш. Гавданни олдинга эгиш, ўнг қўлни олдинга чап қўлни орқага узатиш.
 3-ўнг оёқда жойда туриб қадам ташлашII
 4-ўнг оёқда орқага енгил сакраш ва шу вақтни ўзида ростланган чап оёқни олдинга узатиш. Гавданни олдинга эгиш, чап қўлни олдинга ўнг қўлни орқага узатиш.
- 5-8-1-4 -қадамлар такрорлансин



УЧИНЧИ ҲАРАКАТ- ЖОЙДА ТУРИБ ҚАДАМ ТАШЛАШ

Бир тақтада бажарылади.

Дастлабки ҳолат - гавда оғирлиги ўнг оёққа узатылған, чап оёқ-олдинга.

- 1 - чап оёқка жойда туриб қадам ташлаш.....I
- 2- ўнг оёқда жойда туриб қадам ташлаш.
- 3-чап оёқда жойда туриб қадам ташлаш..... II
- 4-чап оёқда орқага енгіл сакраш ва шу вақтни үзіде ростланған ўнг оёқни олдинга ўзатиши. Гавда олдинға әзилған ўнг күл-орқада.
- 5- ўнг оёқ билан жойда туриб қадам ташлаш.....III
- 6- чап оёқ билан жойда туриб қадам ташлаш.
- 7- ўнг оёқ билан жойда туриб қадам ташлаш..... IV
- 8- ўнг оёқда орқага енгіл сакраш ва шу вақтни үзіде ростланған чап оёқни олдинга ўзатиши. Гавда олдинға әзилған. Чап күл олдинға, ўнг күл орқада.




ФИЛ РАҚСИ

Бириңчи ҳаракат оёқ ён томонға. Иккі тақтада изжро этилади. Гавда оғирлигі дистлабки қадамларда-чап оёққа узатылған. Ўнг оёқ-ҳаракатда. Күллар бел сатыда тирсакларда букилған.

- 1- тиззада букилған ўнг оёқни күтариш ва чап оёқдан нарироқ ён томонға тушириш..... I
- 2- ўнг оёқни чап оёқ ённiga қўйиш.....II
- 3- тиззада букилған ўнг оёқни күтариш ва чап оёқдан нарироқ ён томонға туширишIII
- 4- ўнг оёқни чап оёқ ённiga қўйиш, тана оғирлиги ўнг оёққа Кўчиринш.....IV
- 5-7-1-3- қадамлардагидек ҳаракатлар, тана оғирлиги ўнг оёқда. Чап оёқ- ҳаракатдаI,II,III

8- чап оёқ ўнг оёқ ёнига қўйиб, тана оғирлиги чап оёқка узатиладиIV



ИККИНЧИ ХАРАКАТ- ОЁҚ ОРҚАГА

Икки тактда ижро этилади. Гавда оғирлиги дастлабки уч қадамда-чап оёқда. Ўнг оёқ ҳаракатда. Қўлар бел сатҳида тирсакларда букилган.

1- тиззада букилган ўнг оёқни кўтариш ва чап оёқдан узокро орқа томонга қўйишI


2- ўнг оёқни чап оёқ ёнига қўйишII

3- тиззада букилган ўнг оёқни кўтариш ва чап оёқдан узокроқ орқа томонга қўйишIII

4- ўнг оёқни чап оёқ ёнига қўйиш, тана оғирлигини ўнг оёқка кўчиришIV

5-7-1-3- дагидек ҳаракатлар, тана оғирлиги ўнг оёқда. Чап оёқ-ҳаракатда I,II,III

8- чап оёқни ўнг оёқ ёнига қўйиш, тана оғирлиги чап оёқда ...IV



УЧИНЧИ ХАРАКАТ- ТИРСАК БИЛАН ЗАРБА БЕРИШ

Икки тактда ижро этилади. Гавда оғирлиги дастлабки учти қадамда чап оёқка узатилган. Ўнг оёқ ҳаракатда.

1-тиззада букилган ўнг оёқни имкони борича юқорига кўтариб, чап тирсак билан ўнг тиззага енгил зарба беришI

2- ўнг оёқни чап оёқ ёнига қўйишII


- 3- тизада букилган ўнг оёқни имкони борича юқорига күтариб, чап тирсак билан ўнг тиззага енгил зарба бериш.....III
 4- ўнг оёқни чап сөкөніга қўйиш, тана оғирлігі ўнг оёққа ўтказиладиIV
 5-7-1-3- дагидек ҳаракатлар, тана оғирлігі ўнг оёқда, чап оёқ-ҳаракатда..... I,II,III
 8- чап-оёқни ўнг оёқ ёніга қўйиш, тана вазни чап оёқда IV



ТЎРТИНЧИ ҲАРАКАТ- ОЁҚНИ СИЛТАБ УЗАТИШ

Бир вақтда бажарилади. Гавда оғирліги чап оёққа узатылган.
 Қўллар бел сатҳида тирсакларда букилган.

- 1- ўнг оёқни тиззада букиб, олдинга силтаб узатиш..... I
 2- ўнг оёқни чап оёқ ёніга қўйиб, тана оғирлігини ўнг оёққа кўчириш II
 3- чап оёқни тиззада букиб, олдинга силтаб узатиш..... III
 4- чап оёқни ўнг оёқ ёніга қўйиб, тана оғирлігини чап оёққа кўчиришIV
 5-8-1-4- қадамларни такрорлашI,II,III,IV



БАДИЙ ГИМНАСТИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Бадиий гимнастикага киругвти қўпгина ҳаракатлар классик ва ҳалқ ռақслардаги ҳаракатлардан кам фарқ қиласди.

Бироқ, бадиий гимнастика ўзининг бир қатор ўзига ҳос элементларига эгаки, уларнинг бажарилиш техникаси хореографик машқулар техникасидан тубдан фарқ қиласди. Бундай элементларга пружинасимон ҳаракатлар, «тўлқин» каби машқулар, силташлар, юриш ва югуришининг баъзи турлари ҳамда хореографияда ҳам қўлланиладиган маҳсус сакрашларни киритиш лозим. Барча ушбу элементлар эркин машқуларда кенг қўлланилади.

ПРУЖИНАСИМОН ҲАРАКАТЛАР

Пружинасимон ҳаракатлар учун ҳаракатнинг биринчи босқичида танани бир нечта ёки барча бўғинларида букилишнинг ҳамда иккинчи босқичида ёзилишининг бир вақтнинг ўзида биртекис рўй бериши ҳосдир. Букилиш ва етилиш таранглик билан бажарилади.


Қўллар билан пружинасимон ҳаракатлар турли ҳил дастлабки ҳолатлардан бажарилади. Қўллар гавдага нисбатан йўналишда барча бўғимларда (бармоқларнинг биринчи фәлангасидан бошлиб елкагача) таранглик билан букилади. Қўл панжаси юқорига букилади ва елка томон ҳаракатланади, тирсак пастга тушшиб, гавдага тақалади. Қўлларни ёзилиши бир вақтнинг ўзида барча бўғимларда таранглик билан содир бўлади.

Дастлабки ҳолат-қўллар олдинга чўзилган.

1-2-қўлларни букиши.

3-ёзиш.

4-пауза.



Дастлабки ҳолат- құллар ён томонларға ұзилған.


Юқоридаги ҳаракатлар яна тақрорланади.

Құллар биляң бажарыладын пружинасимон ҳаракатлар күч ва тарантлик билан таърифланиб, турли вазиятлардан бажарылады: құллар олдинда, ён томонларда, юқорида ва паstra. Құлларни, айнан дастлабки ҳолат йұналиши бүйіча, билактар ва панжаларни бурмаган ҳолда букиш лозим. Барча бүгімлардаги букилишни таранглик билан, гүё қаршиликни енгандек, бажарыш керак. Бунда биш бирмүнча олдинга әзіледи. Барча бүгімлардаги ёзилиш ҳаракати эса күч билан, бишни бир оз күтариб бажарылады.

ОЁҚЛАР БИЛАН ПРУЖИНА СИМОН ҲАРАКАТЛАР

Икала оёқ учи ва тиззаларни жипслантириб, яримбармоқ ларда турған ҳолда бажарылади. Оёқларни ярим бармоқлардан товоңларға тушириб, шу тариқа үтириш керакки, тос товоңлар устида жойлашиши керак. Оёқларнинг ёзіб дастлабки ҳолатта қайтилади. Пружинасимон ҳаракатларни үтирган ва ярим үтираган ҳолатда турлича маромда бажарыш мүмкін.

Яхлат пружинасимон ҳаракат, одатта, ярим бармоқларда турған вазиятда (оёқлар учи ва тиззалар жипслашған) құлларни юқорига күтартған ва кафтларни олдинга қараттап ҳолда бажарылади. Шу вазияттан бир вақтни ўзида оёқларни тизза бүғинида букиш, бишни әғищ ва гавданинг орқасини ейсімөн тарзда әғиши лозим. Сүнгра, құллар пружинасимон ҳолда букилади (құл панжалари елкалар кенглигіда, тирсаклар гавдага жипслаптыриледи) ва ярим бармоқларда чуқур үтирган ҳолда, құллар паstra қара пружинасимон тарзда ёзилади. Якуний ҳолатда тос товоңлар устидажойлашған, биш олдинга әзілған, орқа ярим думалоқ ҳолатда, құлларпаstra, құл бармоқлари олдинга қараган. Дастлабки ҳолатта қайти ҳам құлларнинг пружинасимон ҳаракати билан давом этиши мүмкін.



ТҮЛҚИН ТУРИДАГИ МАШҚЛАР

Мазкур гурұхдаги машқлар учун бүтімнинг изчиллік билан юмшоқ букилиши ва ёзилиши ҳосдир. Бир бүтімнинг букилиши бошқа бүтімнинг ёзилиши билан шу тариқа давом этады, бунда түлқин уркачи кетма-кет равища бир бүтімдан иккінчі бүтімга ўтади. Түлқинсімон ҳаракатлар құллар ва бутун гавда билан бажарилади. Улар секин ва тезкор равон ва ҳаракатнинг боштаниши ёки охирида акцент бериш билан бажарилиши мүмкін.


Құллар билан түлқинсімон ҳаракатлар асосан құллар ён томонларға құзилған қолдаги вазиятта бажарилади. Ҳаракат курактарни ўзаро яқынлаш тиришдан бошланади.

Құллар билан түлқин ҳаракатини бажарып.

Құллар олдинға ёки ён томонларға қүйидеги изчиллікта күтарилады: аввал елка, сұңг билак ва ниҳоят, панжа. Ҳаракат елқадан бошланади. Құлларни тушириш ҳам елқадан бошланиб, сұңг билак ва құл панжаси тушириледи. Құллар ейсімден тарзда букилган. құл панжаси күтарилишни ниҳоясига етказған вақтда ҳаракатнинг кетма-кет бир неча марта бажарилиши натижасыда елка тушириледи. Құл панжаси туширилғандан сұңг эса, елка яна күтарилади.




Түлқин уркачи изчил равища елқадан, сұңг эса билак-кафт бүгими ва бармоқ фалангаларига ошибб ўтади. Бунда ҳаракат босқичлары ўзаро құшилады- бир бүтімде ҳали букилиш давом этса, кейинги бүтімде ростланиш бошланади. Букилиш ва ростланиш амплиудаси катта әмас. Құллар билан бажариладын түлқинсімон ҳаракатлар координация бүйічә жуда мұрakkab ҳисобланади. Шунинг учун фақаттана яхши тайёрланған гимнастка-чиларға шу ҳаракатларни ўргатиш лозим.



Олдинга түлкін ұрпақаты оёқ учидар турив, құлларни юқорига күрілған ҳолдаги вазиятта бажарылади. Ҳаракат тиззанни ярим букиб үтиришдан башланади, сүнгра кетма-кет равицца тиззалар, соңлар, тос ва гавда олдинга узатылади. Ҳаракат охирида бош орқага әгилади. Құллар ейсімөн тарзда олдинга узатылған дастлабки ҳолатдан, пастта тушириледи. Сүнгра, құллар ташқи томонға ёйсімөн тарзда букилған ҳолатта юқорига күтәріледи. Охирғи вазияттан түлкін тескари йүналишда бажарылыш мүмкін. Бунинг учун барча ҳаракаттарни тескари кетма-кетликда бажариш керак. Даставвал биттә оёқ орқага оёқ учига қүйилади.




Ён томонлама түлкіннің бажаришда барча саңаб үтилған ҳаракаттар сиртқи текисликда бажарыла.



Гавданы түлкінсімөн ҳаракатланиши тиzzаларда турған ҳолдаги вазиятта ўрганиш тасвия этилади.


Болдиirlарда ўтирган ҳолда гавда билан түлкінсімөн ҳаракатланиш құллар орқага, бармоклар ўзаро чирмашған. Гавда олдинга эгилади (елкалар ва бош орқада қолади), сүнг белни букиб, елкалар ва бош туширилади. Кетма-кет равищда умуртқа поғонасинг бел, күкрап үа бўйин қисмларини ростлаб, дастлабки ҳолатта қайтилади. Машқни секин маромда, равон тарада таранглашмасдан бажарилади.



СИЛТАШЛАР

Силташли ҳаракатлар иргиши билан бошланиб, инерция бўйича давом этади. Ҳаракатнинг якунин пассив (ҳаракат инерция бўйича ниҳоясига етгач, оёқ ёки қўл, оғирлик күчлари таъсирида пастта тушади) ва фаяол (оёқ ёки қўл муайян вазиятта бўлади) бўлиши мумкин.

Қўллар билан силташ ҳаракатларини, одатда қўлни ўнгта (чапга) узатилган ҳолдаги вазиятта ўрганилади. Бу ҳолатдан қўллар силташли ҳаракат билан ёй бўйича пастта қарама-қарши томонга узатилади. Қўллар билан силташли ҳаракатларни бошқа дастлабки ҳолатлардан туриб бажариш мумкин. Бунда улар қўлларни айланма ҳаракатлантириш турли хил эгилишлар билан биргаликда бажарилади.




Гавда билан силташли ҳаракаттар бажаришда, иргиши тиззә ва тоң-сон бүгінларидаги ёки елқа қамаридаги кескін ҳамда әпчил ҳаракат ҳисобига бажарылыш мүмкін.

Гавда билан силташли ҳаракаттар бажарылышни товоңларга үтирган ҳолдаги вазиятта үрганиш мақсадға мувофиқдір.

Гавданинг алохіда қисметтери билан силташли ҳаракаттарни бажарылышни үзгештиргандан сүнг, яхлит силташли ҳаракатни бажарылышта үтилади. Яхлит силташли ҳаракатта тана бүгінларидан биридаги иргиши ҳаракати бошқа бүгінларга узатылади.

Яхлит силташли ҳаракаттар түрли хил дастлабки ҳолаттарда құйларниң айланма ҳаракат, бурилиштар билан биргә бажарылышы, ҳамда сакраштар билан яқынланиши мүмкін




ЮРИШ ВА ЮГУРИШ ТУРЛАРИ

Юмшоқ қадам - оёқ учидан товонга ўтиш билан, таянч оёқни бироз бүккән ҳолда бажарилади. Құллар ён томонлама текисликда эркин ҳаракатланади. Барча ҳаракатлар енгіл бажарилади.

Ошиб ўтадиган қадам - оёқ учидан бутун оёқ панижасига оёқни думалатиб бажарилади. Ерга қүйилганды оёқ бирмунча букилади ва бошқа оёқ олдинга узатилганды, ростланади. Құллар ҳаракатнинг амплитудаси аввалиғи қадамдагыға нисбатан, каттадир.


Пружинасимон қадам - бундан олдинги қадамға ўхшаш бўлиб, янада тарангроқ ва пружинасимон тарзда, вертикал текислик да яққол намоён бўлувчи тебранишлар билан бажарилади.

Ўткир қадам - кескин тарзда бажарилади. Оёқ яримбармоқларга қүйилади, оёқ дўнгаси чўзилган, олдинда жойлашган оёқ болдири иккинчи оёқ болдирига параллелдир.



Баланд қадам - сонни баландға күтариш билан бажарилади. Болдири олдинга силкитиб узатилади ва таянч оёқда паралел ҳолда ушлаб турилади. Құллар эркин ҳаракатланади.

Кенг қадам - оёқ ташлаш билан юриш. Орқада жойлашган оёқ ростланған ва оёқ учига қўйилган, гавда бирмунча олдинга эгилган, бош тўғри ҳолатда. Құллар ёнлама текисликда эркин ҳаракатланади. Шунингдек, югуриш турлари ҳам фарқланади. Улар ҳам юриш турлари каби номланиб (юмшоқ югуриш ва ҳожаzo) юришдан таянчсиз босқичи борлиги ги билан фарқ қиласади.



САКРАШЛАР

Бадий гимнастикада ҳар хил сакраш турлари мавжуддир. Улардан күпчилгити классик ва халқ рақсларидан олингандир. Шу билан бирга айнан бадий гимнастикага хос бўлган сакраш сакраш турлари ҳам бор. Буларга қуидагилар киради: эгилиб сакраш, силтамли сакраш, очиқ ва ёпиқ сакрашлар, иргиш билан сакраш. Мазкур сакраш турлари эркин машҳуларда кенг қўлланилади. Юқори разрядларда эса - ходада бажариладиган машҳуларда қўлланилади.

Эгилиб сакраш - жойда туриб ва қуриб бажарилади. Парвозда тана эгилган. Бош ҳам орқага эгилган, қўллар тананинг янада кўпроқ эгилишни таъминлаш учун силташ билан юқорига кўтарилади.



Эгилиб сакраш



Силтамли
сакраш



Қоқилиб
сакраш


Силтамли сакраш- бир оёқни силкитиб, иккала оёқка қўниш билан бажарилади. Банд бўлмаган оёқнинг силтамли ҳаракати таянч оёқнинг туртилиши ва қўлларнинг олдинга-юқорига силтамли ҳаракати билан бир вақтда содир бўлиши керак. Сакраш вақтида бош сал кўтарилган, елкалар бирмунча орқага узатилган.

Қоқилиб сакраш- бундан олдинги сакраш туридан шу билан фарқ қиласдики, бунда силкитиладиган оёқ ўзининг товони билан итариљувчи оёқнинг тиззасига қадар, тизза бўғимида қисқача букилади. Парвозда итариљувчи оёқ орқага узатилади, гавда эгилган, бош орқага эгилган. Итариљувчи оёқ томонидан қўл олдинга-юқорига кўтарилади, иккинчи қўл эса орқага узатилади. Иккала оёқда ерга тушилади.


Иргиш- бир оёқдан итарилиш билан юқорига сакраш бўлиб, бунда бир вақтни ўзида иккинчи оёқ олдинга букилади ва қўллар силкитилиб, итариљувчи оёқ олдинга, бошқаси орқага узатилади. Қўллар ҳаракати бошқача бўлиши ҳам мумкин.

Очиқ сакраш - иккала оёқда итарилиш билан, ёки оёқни орқа томонга эркин силтаб, иккинчи оёқда итарилиш билан бажарилади. Парвозда тана орқага эгилган, бош орқага узатилган, қўллар ён томонда орқада. Сакраш равон тарэда ва кескин бажарилиши мумкин.

Ёпиқ сакраш - бир оёқни олдинги томонга букиш орқали бажарилади. Парвозда гавда букилган, орқа ейсимон ҳолда, бош туширилган, қўллар олдинда.



Иргиш



Очиқ сакраш



Ёпиқ сакраш

ХОРЕОГРАФИЯ

Хореография барча раңс ҳаракатлари ва тайергарлик ҳаракатларини, классик, халқ тарихий-мәиший раңслардаги ҳолатларни қамраб олади.

Хореографик машқлар шуғулланувчиларда ҳаракатланиш маданиятини тарбиялаб, уларга келишган қадди-қоматта эга бўлиш имконини беради.

Хореография машғулотларини ўтказиш усуллари ва воситаларининг ҳилма-ҳиллиги ҳаракатларнинг қайиш, ёқлиги ва ўзаро мувофиқлигини ривожлантириш, мушак-буғим тизимини мустаҳкамлаш имконини беради. Машғулотларни бир вақтнинг ўзида шуғулланувчиларнинг бутун бир гурӯҳи билан ўтказилиши зичликни оширади. Натижада юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларига таъсир кучаяди ҳамда чидамлиликни ривожлантиришга шароит яратилади.

Хореографик тайергарлик ўқув-машқ қилиш жараёнининг бир қисми бўлиб гимнастик кўпкурашдан ажратилмаслиги лозим.

ХОРЕОГРАФИЯ МАШҒУЛОТИ ВАЗИФАЛАРИ

Тайергарлик даври:

- маҳсус ҳаракатлантирувчи тайергарлик
- маҳсус жисмоний тайергарлик
- янги мажбурият дастурдан хореография

Элементларини ўрганиш

- ҳаракатларнинг маънодорлигига эришиш
- мусиқага қобилиятликни тарбиялаш.

Беллашув даври:

- мажбурий ва ихтиёрий дастурлардаги хореография элементларининг бажарилишини такомиллаштириш
- жисмоний хислатларни такомиллаштириш
- ҳаракатлар маънодорлигини такомиллаштириш
- мусиқавийликни такомиллаштириш.

Ўқиш даври:

- маҳсус жисмоний тайергарлик
- маънодорлик, санъаткорона маҳоратни ривожлантириш
- раңсга туша олиш қобилиятини ривожлантириш

МАҲСУС ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ ТАЙЁРГАРЛИК

Хореографияда тайергарлик давридаги машғулотларнинг давомийлиги: кунига икки марта машғулотлар ўтказилганда:

- асосий машқ қилиш жараёни - 25-30 дақиқа (мин.)

- күшими машиқ қилиш жараёни - 40-60 дақиқа
Машгулотлар кунда бир марта ўтказилса 35-45 мин. давом этади.
Беллашув даврида машгулотлар кунда иккى марта ўтказилганда:

- асосий машиқ қилиш жараёни - 30- 45 мин.
- қўшимча машиқ қилиш жараёни - 20-25 мин
- бир марталик машиқ қилиш жараёни - 20-35 мин.

Ўқиш даврида тегишли равища: 45-60 мин., 25-30 мин., 45-60 мин.

ХОРЕОГРАФИЯ МАШГУЛОТЛАРИ ТАСНИФИ

Хореография машгулотлари педагогик вазифаларга боғлиқ ҳолда қуйидагича таснифланади:

1. Ўргатувчи машгулот.
2. Машқ қилиш машгулоти.
3. Назорат машгулоти
4. Беллашув машгулоти.
5. Намунали машгулот.

Ушбу машгулотларнинг ҳар бири ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ўргатувчи машиқ. Мазкур машгулотнинг асосий вазифаси - алоҳида элементларни ўзлаштириш (масалан: сакраш, 720 градусга бурилиш ёки бутун бирималарни ўрганиш). Айнан ўргатувчи машгулотлар эркин машқларнинг янги мажбурий дастурини ўрганиш даврида. ихтиёрий машқларга тайёрланишда кенг қўлланилади бир вақтда элементлар ва бирималарни маҳсус танлаб олиш йўли билан жисмоний ривожланиш. мусиқавийлилк ва мъянодорликни тарбиялаш вазифалари ҳам хал этилади.

Ўргатувчи машгулот, асосан, машиқ қилиш жараёнининг тайёргарлик даврига ҳосдир. Унинг ўзига ҳослиги шундаки. Машқларни кўп марта такрорлаган ҳолда, шу машқларни ўтказишининг алоҳида усуллари қўлланилади: асосин "буш" ҳаракатни юзага келтирувчи қатор тайергарлик машқлари бажарилади.

Кўп йиллик тайёргарликда мазкур машгулот тури бошлангич, маҳсус ва чукурлаштирилган - маҳсус тайёргарлик босқичларида кўп қўлланилади.

Машқ қилиши машгулоти. Бу машиқ турининг асосий вазифаси - спортчининг белашувга тайёргарлик ҳолатини сақлаб туриш, бўлғуси машқларгача танани "қизитиб" тайёрлаш ҳисобланади. Шу муносабат билан, машиқ қилиш машгулоти спорт маҳоратининг муайян даражасига эришилганда, шунингдек,

беллашув даврида гимнастикачини тайёрлашнинг турли босқичларида қўлланилади.

Тайёргарлик босқичи сифатда мазкур дарс машқ қилиш машғулотнинг бошланишида қўлланилади. Бўғим-мушак ва вегетатив тизимларнинг "ишчи даражасини" ташкил этиш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда, машқлар мазмуни, воситалари, изчиллиги ҳамда шу машқларни ўтказиш услубияти белгиланади.

Машқ қилиш дарси мажбурий ва иҳтиёрий дастур элементлари билан бойитилиб, давом этиш вақти машқлар миқдорини камайтириш ҳисобига қисқартирилади.

Назорат машғулоти - муайян машқлар ёки хореографиянинг бутун бир бўлимини ўзлаштиришни якунлагач, назорат машғулотини ўтказиш мақсадга мувофиқdir. Масалан, классик рақс элементларини ўзлаштирилгандан сўнг, «намунали дарс» каби назораг машғулоти ўтказилиб, ҳар бир гимнастикачи қизга беш балли тизим бўйича баҳо қўйилади. Назорат дарсини техникавий тайергарлик буйича тестларга хореография элементларини киритган ҳолда, ўтказиши мумкин (масалан, қадам ташлаш билан сакраш, мувозанатни сақлаган ҳолда 360 градусга бурилиш). Бадиий ва спорт гимнастикаси бўйича мусобақаларнинг қоидаларида кўрсатилган талаабларни ҳисобга олган ҳолда, ўн балли тизим асосида баҳо қўйилади.

Беллашув машғулоти - маҳсуслаштирилган ва ҳар бир гимнастикачига мослаштирилган тайёргарлик дарси ҳисобланади. Мусобақаларга бевосита тайёрланиш даврида танани бўлажак машқларга тайёрлаб, «қизитиш» ва ортича рухий таранглик, асабийлашишни (ёки, аксия, караҳтликни) бартараф қилишга мўлжалланган машқлар мажмуини бажариш тавсия этилади. Машғулотни ўзлаштириб бўлгач, спортчи машқларни мустақил равишда бажаради (индивидуал тайёргарлик).

Намунали машғулот - спорт гимнастикасининг оммавийлашиб кетиши, намунали чиқашларининг миқдори ошиб бориши билан, гимнастикачи қизлар гурӯҳи иштирок этувчи ва чиқашининг муқаддимаси бўлиб ҳизмат қилувчи намунали машғулотга зарурият туғилди. Бундай машғулотда «Физиологик эгри чизиқ»ка риоя қилишга эҳтиёж йўқdir. Чунки, гимнастикачи қизлар одатдаги индивидуал тайёргарлик машқларини бажаргач, тахтасупага чиқадилар. Бу ерда энг муҳими - дастурнинг оммабоп тарзда бажарилишидир. Дастур оммабоплиги танланган машқларининг оригиналлиги, ҳаракатларнинг ўзаро мутаносиблиги ва улар гаромининг ўзарини ҳамда иштирокчи қизларининг юқори индивидуал маҳорати билан белгиланади.


ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАҚСЛАРИ

I. БЎЛИМ АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР БОШ ҲОЛАТИ

Фарғонача рақсларда энгак кескин юқорига кўтарилилмайди, масалан, испанча рақсларга ўхшаш. Бош қўллар харакатини кузатади. Бошни бурилиши, әгилиши ва нигоҳ қўллар томонга йўналган бўлиши мумкин, қўллар томонидан ёки тўғри.

ГАВДА ҲОЛАТИ

Фарғонача усулда ўзбек рақсларида гавда ҳар доим табиий ҳолатда, лекин харакатга тайёр. Умуртқалар одатда бўшашибмайди, йигилмайди ҳам, масалан, классик рақсларига ўхшаш. Гавдани юқори қисми асосан ҳаракатчан. Гавда қўлларни ҳамма ҳаракатини кузатади. (Расм 1,2)




Расм 1,2. Гавда ҳолати

ҚЎЛ ҲОЛАТИ.

Асосий қўллар ҳолати еттита. қўллар бир ҳолатданиккинчи ҳолатта ўтиш вақтида елкалар ўз табиий тинг ҳолатини ўзгартириши мумкин эмас.

Дастлабки ҳолат. Қўллар табиий ҳолатда гавда бўйлаб эркин туширилган. (Расм 1,2).


1-чи ҳолат. Дастлабки ҳолатда қўллар тирсакларни дўнгсимон қилиб, пастта қаратиб, аста ёнга кўтарилади. қўллар елкагача келганда, қўлдасталар майин кўтарилади ва очилади. Бармоқларни уни елкалар даражасида турадилар. Бармоқлар бир-бирига тегмасдан, сал букилганлар, биринчи ва учинчи бир-бирига яқин, қолганлар ихтиёрий (Расм 3,4).



Расм. 3.4. Биринчи ҳолат.

2-чи ҳолат.

Биринчи ҳолатдан құллар юқорига панжаларни пастта түшириб күтарилади. құллар “бош устида” ҳолатта етганда, құзлар назоратида қолиб панжалар, кафтларини юқори қилиб, ташланади, бармоқлар бир-бирига йўналған, лекин бунда құлдасталар бир-бирига тегмайды (Расм 5,6).



Расм 5,6. Иккинчи ҳолат.

3-чи ҳолат.

Чап құл 2-чи ҳолатда қолади, ўнг аста-секин 1-чисига тушади құлдасталар илтаригидек (Расм 7,8).



Расм 7,8. Учинчи ҳолат

4-чи ҳолат.


Чап қўл 2-чи ҳолатда қолади, ўнг чап томонга ўтказилади, кўкрак даражасидан сал паст, қўлдасталар ўзгармайди (Расм 9,10).



Расм 9,10. Тўртинчи ҳолат.

5-чи ҳолат.


Ўнг қўл ўша ҳолатда, чап 1-чи ҳолатта тушади (Расм 11,12).



Расм 11,12. Бешинчи ҳолат.

6-чи ҳолат.


Икки қўл майин “тавда олдида” ҳолатта ўтказилади, қўллар ўтказилиш вақтида қўлдасталар пастга туширилади, кейин юқорига кўтарилади, кафтлар олдинга. қўллар ораси-елка кенглигига, бармоқлар учи елка даражасида (Расм 13,14).



Расм 13,14. Олтинчи ҳолат.

7-чи ҳолат.

6-чи ҳолатдан қўлдасталар кафтларини ўзига буриш, бармоқларни бир-бирига қаратиш. Қўлларни белга қўйиш, катта бармоқ орқага йўналган, иккинчи, учинчи ва тўртнинчи олдинга, кичик бармоқ ихтиёрий, тирсаклар ёнга йўналган. (Расм 15.16).



Расм 15.16. Еттинчи ҳолат.

Эркақларнинг қўллар ҳолати аёлларникига ўхшаш. фарқи шундаки, тирсаклар узатилган, бармоқлар тўғрироқ. Булар расмларда аниқ кўрсатилган.

ОЁҚ ҲОЛАТИ

Оёқ ҳолати ҳаммаси бўлиб еттита

Дастлабки ҳолат.

Оёқлар табиий ҳолатда: товоnlар жуфт, оёқлар учи айрим.
(Расм 17).

1-чи ҳолат.

